



ИСТИҚБОЛЛИ ИҚТИСОДИЙ ЛОЙИХАЛАР АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга ошириладиган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 27 январь куни Хоразм вилоятига ташриф буюрди.

Мамлакатимизнинг изчил тараққиёти Хоразм вилоятида ҳам улкан ўзгаришларга замин яратди. Шаҳару туманларда кенг қўламли бунёдкорлик ишлари, истиқболли инвестициявий лойиҳалар амалга оширилди. Биринчи Президентимиз Ислон Каримовнинг 2012 йил 22 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган 2013-2015 йилларда Хоразм вилояти сановат салохиятини ривожлантириш дастури доирасида 308 миллион доллардан ортиқ инвестиция ҳисобидан 432 сановат корхонаси ташкил этилди.

Шавкат Мирзиёев 2016 йил 11 ноябрь куни Шовот туманида бўлиб ўтган сайлов-олди учрашувда мамлакатимизнинг барча ҳудудлари қатори Хоразм вилояти иқтисодиётини ҳам модернизация қилиш, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, тиббиёт, туризм, саноат ва бошқа соҳаларни янада ривожлантиришга оид аниқ режаларни баён этган эди.

Давлатимиз раҳбарининг Хоразм вилоятига ташрифи ана шу режалар қандай амалга ошириладигани билан танишиш, ҳудуд тараққиётини янги босқичга кўтариш масалаларига бағишланди.

Президентимизнинг вилоятга ташрифи Хивадаги Ичан-қалъа мажмуасидан бошланди.

Музей-қўриқхона — Ичан-қалъа мажмуаси халқимиз тарихи, маданияти, илим-фани, қадимий меъморлик ва ҳунармандлик анъаналарини муҳассама этган. ИНОСОННИНГ бебаҳо бойлиги сифатида ЮНЕСКОнинг жаҳон мероси дурдоналари рўйхатига киритилган. Музей фондида 38 минг 561 экспонат бор. 2016 йилда Ичан-қалъага 75 мингга яқин киши, жумладан, 84 мамлакатдан 34 минг сайёҳ келган.

Хоразмда бундай тарихий ёдгорликлар, диққатга сазовор жойлар жуда кўп. Улар замон талаблари асосида таъмирланиб, сайёҳлар учун зарур шароитлар яратилаётгани натижасида вилоятда туризм изчил ривожланиб бораётди. 2016 йилда хорижлик сайёҳларга кўрсатилган хизматлар экспорти 2013 йилга нисбатан 20 фоиз ошган.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бу борада янада кенг имкониятлар яратди.

Паҳлавон Маҳмуд мақбараси зиёрат қилинди.

Давлатимиз раҳбари Матниёз Девонбеги мадрасида Хива шаҳрининг тарихий қисмида амалга ошириладиган бунёдкорлик ишлари режаси, Исфаҳидорхон қабул маросимлари уйи ва Нуриллабой сарой мажмуасини реконструкция қилиш лойиҳалари билан танишди.

Президентимиз Хоразмнинг туризм босқичида имкониятларини тўлиқ ишга солиш, янги йўналишлар ташкил этиш ва уларни жаҳон бозорларида тарғиб қилиш, меҳмонхоналар ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш зарурлигини таъкидлади. Зотан, туризм мамлакат иқтисодини ривожлантириш, айниқса, янги иш ўринлари яратишда муҳим соҳалардан ҳисобланади.

Урганчдан Хивагача темир йўл ва Хива шаҳрида замонавий вокзал барпо этиш, бу йўлда электропоездлар, келгусида юқори тезликда ҳаракатланувчи «Afrosiyob» тезкор поезд қатновини йўлга қўйиш лозимлиги қайд этилди. Шаҳарнинг туризм жозибадорлигини ошириш мақсадида сайлгоҳ кўчалар ташкил этиш ва кечки сайр имкониятини яратиш, уларда миллий урф-одатларимиз ва кўнгличлар дастурларини намойиш қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Туризм соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлар билан суҳбатда тармоқда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш орқали хорижлик сайёҳларни кўпроқ жалб қилиш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, соҳага ихтисослашган мутахассислар тайёрлаш ва малакасини ошириш, сувенир ишлаб чиқарадиган корхоналарни кўпайтириш хусусида сўз борди. Соҳа мутахассислари га тегишли топшириқлар берилди.

Шавкат Мирзиёев Хоразм Маъмур академиясига ташриф буюрди.

Ушбу академия Биринчи Президентимизнинг 1997 йил 11 ноябрдаги фармони га мувофиқ қайта ташкил этилган. 2006 йили ЮНЕСКО шафелигида Хоразм Маъмур академиясининг 1000 йиллиги нишонланган.

Бугунги кунда илмий муассасада 41 илмий ходим, жумладан, 7 фан доктори, 19

фан номзоди фаолият юритмоқда. Улар Хоразм давлатчилик тарихи, бу заминдан етишиб чиққан олимларнинг жаҳон фани ва маданияти ривожига қўшган ҳиссаси, Хоразм меъморий ёдгорликларини биологик, физик ва бошқа салбий таъсирлардан ҳимоя қилиш, ҳудуддаги экологик ҳолатни яхшилаш, ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, воҳа шароитига мос қишлоқ хўжалиги ўсимликларини иқлимлаштириш, шўрлангиш ва чўлланишнинг олдини олиш каби йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб бормоқда.

Президентимиз академияда илмий йўналишларни кенгайтириш, илмий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, уларни амалиётга кенг жорий қилиш, олимларнинг турмуш шароитларини янада яхшилаш зарурлигини таъкидлади. Академия томонидан археология йўналишида эришилган муваффақиятлардан фойдаланиб, бу илмий муассасани сайёҳлик йўналишларига киритиш, халқимиз тарихини чет эллик туристларга тарғиб қилиш масалаларига эътибор қаратилди.

Президентимиз Хива туманидаги «Болтабой оқсоқол» фермер хўжалигида ташкил этиладиган балиқчилик комплекси лойиҳаси билан танишди.

Ҳозир мазкур хўжалиқда 232 гектар ҳавзада балиқ етиштирилмоқда. Ўтган йили 490 тонна балиқ етказиб берилган.

Фермер хўжалигида Вьетнам технологияси асосида балиқ етиштириш ва уни қайта ишлашни йўлга қўйиш режалаштирилган. Бу технология уйдирдиқларни интенсив усулда етиштириш ва ҳавзаларга юқори тизимликда ўтказишга ихтисослашган. Бундай усул балиқларнинг омухта ем сарфига нисбатан ривожланиш суръати юқорилиги, салбий гидроксимевий ҳолатлар ва касалликларга чидамлилиги билан ажралиб туради. Одатда бир гектарлик ҳавзадан ўртача 15-20 центнер балиқ олинади. Вьетнам технологияси самарасида бу кўрсаткич 400 центнергача етади.

Ушбу истиқболли лойиҳага «Ипотекабанк» кредит ажратган. Корхонада йилга 300 тоннадан ортиқ маҳсулот тайёрлаш, 20 иш ўрни яратиш мўлжалланган.

Давлатимиз раҳбари «Хива насли паранда» масъулияти чекланган жамияти томонидан ташкил этилиши режалаштирилган паррандачилик маркази лойиҳаси билан танишди.

«Ўзсаноатқурилишбанк» маблағлари йўналтирилаётган ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 11 миллиард сўмини ташкил этади. Корхонада Италия ва Хитой ускуналари асосида йилга 51 миллион дона туҳум, 1 миллион 40 минг дона жўжа етиштириш мўлжалланмоқда. Бу ҳар бир хонадонга 100 тадан жўжа тарқатиш, аҳоли фаровонлигини ошириш имконини беради. Корхонада 50 иш ўрни яратилади.

Халқимиз етти ҳазинанинг бири деб биладиган паррандачилик ва балиқчилик бўйича ишга солинмаган имкониятлар кўплиги, бу тармоқлар аҳолини гўшт ва туҳум билан таъминлаш, оилаларга даромад манбаи яратишда муҳим ўрин тутиши таъкидланди. Агрофирмалар ташкил этиш орқали бу маҳсулотларни экспорт қилиш ҳам мумкин.

Президентимиз Хива тумани Чодра қишлоғида Хурсанд Мадримов ва Оллаберган Раҳимов хонадонларига кириб, уларнинг турмуш шароити, даромадлари билан чиққиди. Томорқадан самарали фойдаланиш, лимон, ёнғоқ, анор, анжир каби сердаромад экинлар экиш зарурлиги ҳақида сўз борди.

Шавкат Мирзиёев Янгиариқ туманида ташкил этиладиган ип-газлама ишлаб чиқариш корхонаси лойиҳаси билан танишди. Аввалги «Янгиариқ текстиль» масъулияти чекланган жамияти биносида иш бошлайдиган янги корхонада йилга қарийб 20 миллион квадрат метр маҳсулот ишлаб чиқариш, 6 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш, 150 иш ўрни яратиш режалаштирилган.

Шу туманда яна бир истиқболли лойиҳа — замонавий типдаги чорвачилик комплекси ишга тушириш мўлжалланмоқда. Халқ банки кредити асосида «Тилло домор» хусусий корхонаси томонидан ташкил этиладиган ушбу мажмуада 2 минг бош қорамол боқиш, йилга 4 минг 100 тонна сўт, 200 тонна гўшт тайёрлаш режалаштирилган. Комплексида 90 га яқин иш ўрни яратилади.

«Ўзбекнефтгаз» компанияси томонидан ташкил этилаётган пластмасса заводи лойиҳаси ҳам намойиш этилди. Бу ерда 3,5 минг тонна полиэтилен ва полипропилен

грануларини қайта ишлаш асосида турли сифимли сув идишлари, шунингдек, яшик ва қутилар ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

Президентимиз ушбу лойиҳаларнинг рентабеллиги билан қизиқди. Бундай корхоналарни бошқа туманларда ҳам ташкил этиш, одамларни иш билан таъминлаш бўйича кўрсатмалар берди.

Хоразмликлар деҳқончилик соҳасида ҳам улкан таърибага эга. Кескин континентал иқлим, мураккаб тупроқ шароитига қарамай, воҳа миришкорлари қишлоқ хўжалиги экинларида мўл ҳосил етиштириб келмоқда. Пахта ва ғалладан ташқари гурч, қовун, узум каби маҳсулотларни экспортга йўналтирмоқда. Ўтган йили пойтахтимизда бўлиб ўтган Халқаро мева-сабзавот ярмаркасида бу борада кўлаб келишувларга эришилди.

Шавкат Мирзиёев Богот туманида 200 гектар майдонда тоқор ташкил этиш лойиҳаси билан танишди. «Ўзвинсаноатхолдинг» холдинг компанияси тизимидаги «Хоразм узуми тайёрлов савдо» масъулияти чекланган жамияти томонидан барпо этиладиган богда йилга 3 минг тонна узум етиштириш, 210 кишини иш билан таъминлаш кўзда тутилган. Шунингдек, 200 гектар майдонда гурак, кичкинтой, гулоби, зар гулоби каби экспортбош қовун навлари экиш режалаштирилган.

Богот тумани Миришкор қишлоғидаги хонадонларда иссиқхона ташкил этиб, лимон, ёнғоқ, помидор, бодиринг каби хориждорги маҳсулотлар етиштириш борасида олиб бориладиган ишларга ҳам эътибор қаратилди.

Президентимиз Хазорасп туманига ташрифи чоғида Хоразм вилояти қишлоқ хўжалигини сув билан таъминладиган Тошоқа магистрал каналда амалга ошириладиган реконструкция ишлари билан танишди.

Ушбу каналда сув сатҳи пасайиб кетгани сабабли далаларни насос ёрдамида сугориш талаб этиларди. Умумий қиймати 145 миллион доллардан ортиқ бўлган ушбу лойиҳа доирасида Тошоқа, Шовот, Полвон Ғазовот ва Ғазовот каналларининг 305 километри реконструкция қилиниб, канал туби кўтарилади. 21 янги канал ва 607 гидротехника иншооти қурилади. Бунинг натижасида 280 га яқин насос олиб ташланади, йилга 14 миллиард сўмдан ортиқ маблаг тежаллади.

Пудратчи ва қурувчилар ишини самарали ташкил этиш, қурилиш ва реконструкция ишларини жадаллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Биринчи Президентимиз раҳнамолигида соҳалар ва ҳудудларни мутаносиб ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар самарасида Хоразм вилоятининг саноат салохияти ҳам ошди. Хазорасп туманида «Дамас», «Орландо» ва «Лабо» автомобиллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 12 январдаги «Ургут», «Ғиждувон», «Кўқон» ва «Хазорасп» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони ушбу ҳудудлардаги ресурслардан самарали фойдаланиш имконини бермоқда.

Бугунги кунда «Хазорасп» эркин иқтисодий зонаси учун ер участкаси ажратилиб, уни зарур муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш ишлари бошлаб юборилган. Ҳозиргача ушбу ҳудудда енгил саноат, машинасозлик, электротехника, фармацевтика, чарм-пойабзал, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш қувватларини жойлаштириш бўйича 50 дан ортиқ лойиҳа тайёрланган.

Давлатимиз раҳбари ушбу стратегик зона қурилишида сифат ва мўддатга эътибор қаратиш, чет элларда унинг имкониятларини тарғиб қилиш орқали хорижий инвестиция ва технологияларни жалб этиш зарурлигини таъкидлади.

Урганч шаҳрида Хоразм вилояти фаоллари билан учрашув бўлиб ўтди. Йиғилишда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада ошириш, ёш авлоднинг тарбиялаш ва иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимизнинг Хоразм вилоятига ташрифи давомида бўлиб ўтаётган учрашув ва суҳбатлар Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида аҳоли билан доимий мулоқот олиб боришнинг амалий исботи бўлмоқда. Бундай мулоқотлар нафақат Хоразм аҳли, балки бутун халқимиз кўнглини кўтариб, эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хоразм вилоятига ташрифи давом этмоқда.

**Анвар САМАДОВ,
Аҳмаджон ШОКИРОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари.**

30 ЯНВАРЬ — ИСЛОМ КАРИМОВ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КҮН

БУЮК ИСЛОХОТЧИ

Мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, жаҳон миқёсида тан олинган улкан сиёсат арбоби, энг муҳими, бугунги тинч ва фаровон ҳаётимиз меъмори Биринчи Президентимиз Ислон Каримов билан замондош бўлганимиздан ҳақли равишда фахрланамиз.

Республикамиз истиқлолга эришиш арафасида юзага келган гоят мураккаб сиёсий-иқтисодий бўҳрон йилларида Ўзбекистон раҳбари этиб сайланган Ислон Каримов «Биз энди эскича яшай олмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди», деб баралла таъкидлаган эди.

Мустақил тузумнинг субуст-сизлиги ва ўша пайтдаги раҳбариятнинг уқувсизлиги оқибатида ҳукм сурган ўта оғир вазиятдан, таъбир жоиз бўлса, қайнаб турган қозон ичидан халқимизни омон олиб чиққан Биринчи Президентимизнинг мардлик, буюк жасорати барча замонлар учун ибрат бўлиб қолажак. Бугун, ордан шунча вақт ўтиб Ватанини, туғилиб ўсган юртини жондан ортиқ суйган инсонгина ана шундай буюк ишларга қодир бўлиши янада теранроқ ағламоқдамиз.

Қамина Биринчи Президентимиз Ислон Каримов билан икки марта юзма-юз учрашиш бахтига муяссар бўлганман. Илк бор 2008 йилнинг 5 декабрида Оксройда кўксимга «Олтин Юлдуз» қадаб қўйганида у кишининг иссиқ тафтини, меҳр тўла қалбини ҳис қилган эдим. Қорақалпоғистон ҳақида, қорақалпоғистонликлар ҳақида билдирган ўта самимий фикрлари мени тўлқинлантириб юборган эди. Мен оддий бир инсон сифатида давлатимизнинг юксак мукофоти га сазовор бўлганимда, уни Юртбошимиз қўлидан олаётганимда

кўнглимдан кечган ҳис-ҳаяжонни ҳали-ҳамон энтиқиш билан эслаيمان.

Иккинчи марта 2010 йилнинг 5 октябрида Қорақалпоғистонга сафари чоғида КеҒейли туманидаги «Даулет» фермер хўжалиги дала шийонида пахтакорлар билан бўлган учрашувда суҳбатлашдим. Ўлкаимиз тарихи, қадимий ёдгорликларимиз, уларни тадқиқ қилиш ишларининг бориши, мустақиллик туғайли хорижлик ҳаммаслар билан ҳамкорликда олиб бориладиган тадқиқотларимиз ҳақида сўзлаб берганимда Президентимиз бу йўналишда қандай муаммолар борлигини сўраб қолди. Мен мамлакатимизда археологик ёдгорликларга бой бўлган ҳудудлар бўйи сайёҳлик йўналишлари ташкил этиш лозимлигини айтдим. У киши фикрини тасдиқлаб, бу борадаги вазифаларни бирма-бир санаб кетдилар. Ўзим шу соҳанинг академиги бўлсамда, Ислон Каримовнинг қадимшунослик бўйича билими, дунёқараш нақадар кенг ва теран эканига тан берганман. Катта бир мамлакатнинг раҳбари юрт бошқаришдек гоят оғир ва масъулиятли вазифадан ортин, қадимий ва бой маданиятимиз, қаерда, қанча ва қандай маданий ёдгорликлар бор, уларни келажак авлодларга бус-бутун етказиш учун нималар қилиш керак, ўрганиш, тадқиқ этиш ишларининг аҳолига билса-я, деб хайрон бўлган эдим.

Биринчи Президентимиз

нинг ташаббуслари ва кўлаб-қувватлашлари билан бой маданий меросимизни асраб-авайлаш ва ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди. У кишининг бевосита ғамхўрлиги туғайли ўзининг бебаҳо дурдона экспонатлари билан жаҳон сайёҳларини лол этиб келётган И.Савицкий номидаги Қорақалпоқ давлат санъат музейининг янги биноси барпо этилди. Ислон Каримовнинг музейда сақланаётган «Қорақалпоқ халқи бундай бетакрор ва ажайиб музей билан ҳар қанча фахрланса, арзийди» деган дастхати қорақалпоғистонликлар учун жуда қадри ва бундан фахрланамиз.

Истиқлол йилларида хорижлик ҳаммаслар билан ҳамкорликда ишлаш имконияти туғилди. Қорақалпоғистонда австралиялик археологлар билан биргаликда фаолият олиб борган халқаро экспедиция томонидан бундан икки минг йил илгари даврга тааллуқли қартиналар галереяси очилди. Фольклоршунослар томонидан тайёрланган 100 жилдилик «Қорақалпоқ фольклори» китоби жаҳон маънавиятининг олтин фондида қўшилган бебаҳо мерос бўлди. Маънавий меросимиз саналмиш халқ жироқларининг жонли овозлар олтин дискларга ёзиб олинди, жаҳон мусиқа маданиятига киритилди.

Буларнинг барчаси мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг эътибори, ғамхўрлиги ва кўлаб-қувватлаши самарасидир. Бинобарин, буюк давлат ва сиёсат арбоби, толмас ислохотчи, ғамхўр инсон Ислон Каримовнинг порлоқ хотира-си қалбимизда мангу яшайди.

**Ғайрадин ХУЖАНИЕЗОВ,
археолог олим,
Ўзбекистон Қаҳрамони.**
ЎЗА

ЎЗХДП: устувор вазифалар



Санжар ШОТУЛАГАНОВ олган сурат.

КАМЧИЛИКЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Президентимизнинг «Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-нутизом ва шахсий жавобгарлик — ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак» деб номланган маърузасида белгиланган вазифаларни чуқур таҳлил қилиш, уларни амалга оширишда партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг фаол иштирокини таъминлаш, электротат манфаатларини ҳимоялаш бўйича ташаббуслорликни қучайтириш масалалари атрофида муҳокама қилинди.

Қайд этилдики, маърузада ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, касб-хунар

колежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича белгиланган вазифалар долзарб ҳамда принципиал

аҳамиятга эга. Шундан келиб чиқиб, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ҳудудларда ушбу йўналишларда учраётган камчиликларни бартараф этишда фаол катнашиши кераклиги таъкидланди.

Йиғилишда партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари фаолиятидаги камчиликларни очиб-ойдин таҳлил этиш, Ҳаракат дастури ижросини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўз мухбиримиз.



ИСЛОМ КАРИМОВДАН ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН ҚОЛДИ!

Мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарори бутун халқимиз томонидан катта мамнуният билан кутиб олинди. Мазкур ҳужжат ватандошларимиз кўнглидаги, юрагидаги ўй-фикрларни, муддаоларни ифода этгани учун ҳам гоят қадрлидир. Бу юртдошларимиз билдираётган мулоҳазаларда ҳам ўз ифодасини топмоқда.



**Анвар қори Турсунов,
Тошкент шаҳар бош
имом-хатиби:**

— Ҳазрат Навоийнинг бир байтида: «Фалак ҳар асра доноу комил ошкор айлар, Тақолиби замонни хайрига ул киштикор айлар», дейилган.

Бунинг маъноси шуки, агар Аллоҳ таоло бир миллатни, халқни яхши кўрса, унинг устига бир доноу комил раҳбарни бош қилиб қўяди. У раҳбар шу миллатнинг, мамлакатнинг тараққиётига хизмат қилади. Биз ҳам Ҳазрат Навоий айтганидек, Аллоҳ таоло севган миллат эканмиз. Чунки бизга Ислом Каримовдек инсон бош бўлди. У киши мустақилликнинг тамал тошини қўйди, уни ҳар томонлама мустаҳкамлади, ёмон кўзлардан асради. Мамлакатда тинчлик-хотиржамлик барқарор бўлишини таъминлади.

Юртимиз мустақиллик остонасида жуда оғир кунларни бошидан ўтказди. Шукри, у талатўиларни ҳозирги ёшларимиз кўргани йўқ. Таҳликали вазиятда Ислом Каримов жасорат билан майдонга чиқди ва мамлакат мустақиллигини эълон қилди.

У инсоннинг ўтган 25 йилда қилган ишларига қараб, кишининг ақли бовар қилмайди. Пойтахтимиздан тортиб, юртимизнинг энг чекка ҳудудлари ҳам Биринчи Президентимизнинг эътиборидан четда қолмади.

Ислом Каримов мамлакатимизда ислом дини равнақига жуда катта ҳисса қўшган инсон сифатида ҳам тарихга муҳрланди. Собиқ иттифоқ даврида омборхонага айланган Имом ал-Бухорий зиёратгоҳи обод қилинди. У ерда шундай чиройли мажмуа яратилдики, ҳатто бу ерга келган хорижликлар ҳам ўз ҳайратини яшира олмапти.

Ислом дини равнақи йўлида амалга оширган ишларини пойтахтимиз мисолида кўрадиган бўлсак, қаранг, Ҳазрати Имом мажмуаси қандай гўзал услубда барпо этилган. Бу масканни ҳам бутун дунё эътироф этапти. Ёки «Минор» жомеъ масжидини олайлик. Бу ер халқ тилида «Оқ масжид» номи билан машҳур бўлди. Биринчи Президентимиз оқ ранги жуда яхши кўрарди. Масжиднинг очилиш маросимида айтган гапи ҳамон эсимда: «Масжидни оқ рангда, меҳробини олтиндан қилдик. Олтинни қимматлиги учун эмас, балки ёрқин нур таратгани учун ҳам танладик. Бу нур мусулмонлардан, имомлардан таралиб туриши керак».

Аллоҳ таоло у кишига юксак иқтидор ва халқни бирлаштириш қобилиятини берган эди. Ислом Каримов бошлаган ишлар муносиб издош томонидан давом этирилапти. Шавкат Мирзиёев у кишининг шахсига ҳам юксак эътибор, алоҳида эҳтиром кўрсатмоқдаки, бунни кун кеча имзоланган қарор мисолида ҳам кўриш мумкин.

Халқимиз Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби юрт озолиги йўлида жонини тиккан улуг йўлбошчиларни унутмайди. Ислом Каримов ҳам улар сафидаги инсонлардан бири. Биринчи Президентимиз халқимизни ёруғлик, мустақиллик сари етаклади. Бунинг учун ўзини аямади, борлигини фидо қилди.

Яқинда у кишининг оила аъзолари «Минор» масжидида меҳмон бўлишди. Рафиқаси Ислом Каримов ҳақида гапириб, халқ гамида кечаларни бедор, беором ўтказганини айтиб берди.

Президентимиз телевидение орқали чиқишларини кузатиб турар эди. Бир гал кўрсатувимиз ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирганиди. Таклифларини айтиб, тез-тез чиқишлар қилишимиз зарурлигини алоҳида таъкидлаганди.

10 йиллар олдин бошимга бир мусибат тушиб қолди. Ислом Каримов билан кўришганимизда, мендан алоҳида ҳол-аҳвол сўраб, бу ҳақда эшитганини, бўёғига иродали бўлишим кераклигини айтганиди.

У киши халқимизнинг, барчанинг кўнглидан жой олганди. Ислом Каримовнинг номи абадийлаштириш бўйича бир қатор хайрли ишларга қўл урила бошландики, назаримда, буларнинг барчасини халқимизга қилинган холис хизмати сифатида эътироф этиш керак.



**Анора Маҳмудова,
Гурлан туманидаги
5-умумтаълим мактаби
директори, Ўзбекистон
Қаҳрамони:**

— Собиқ тузум даврида халқимиз шу қадар оғир кунларни кўрдик, гўёки лугатимиздан «қадр» деган сўз чиқиб кетган эди. Тасаввур қилаяпсизми, қадр нималигини нурутандик. Очиғи, ор-номус, гурур, деган туйғулар эслан чиққанди. Миллийлигимиздан тобора узоқлашиб бораётгандик. Буларнинг барчасини бизга айнан Биринчи Президентимиз Ислом Каримов қайтариб берди. Инсонни, унинг ҳаёти,

эркинлиги, шаъни ва қадр-қимматини кўкларга кўтарди, буларнинг барчасини олий қадрият даражасига олиб чиқди.

Ислом Каримов шахси ҳақида гапирадиган бўлсам, у киши бор куч-гайратини, ёшлигини, умрини шу Ватан учун, унинг равнақи учун сарфлади. Юртбошимиз вафот этгач халқимиз кўнглидан қанчалар чуқур жой олганини тушуниб етдик.

Мени «Туркистон» саройида ўтказилган бир тадбирга таклиф қилишди. Келганимда Биринчи Президентимиз билан ёнма-ён ўтиришимни айтишди. Тўғриси, жуда қаттиқ ҳаяжонландим. Буюк инсоннинг салобати босгани учун ҳам жойимни ўзгартиришларини сўрадим. Аммо ташкилотчилар бунга рози бўлишмади.

Тадбир бошланди. Ҳаяжонланганимча ўтиравердим. Бир пайт Ислом Каримов менга қараб шундай деди:

- Опа, сиздан бир нарса сўрасам бўладими?
- Албатта.
- «Туркистон» саройи сизга ёқадими?
- Ҳа.

— Бу ерга неча марта келгансиз?

— Бу иккинчи келишим.

— Худди шундай сарой Хоразмда ҳам қурилишини истайсизми?

— Албатта, агар бу иш амалга ошса, Хоразм халқи сиздан жуда миннатдор бўларди.

Маълум вақт ўтиб, Хонқанда муҳташам театр биноси қурилди.

2008 йили Биринчи Президентимиз Боготга келди. У кишини дала шийпонидан кутиб олдик. Мен билан сўрашгач, «ўқитувчилар байрамига нега бормадингиз», деб сўраб қолди. Мен орқароқ қаторда ўтирганимни айтдим. У кишининг жуда ҳам эътиборли одам бўлганини шундан ҳам билса бўлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қарори айни халқимизнинг хоши-иродасини ўзида мужассам этгани билан ҳам аҳамиятлидир. Қарорда таъкидланганидек, Ислом Каримов мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, буюк давлат ва сиёсат арбоби, ўзбек халқининг улуг ва ардоқли фарзанди сифатида қалбларимизда абадий яшайди. Энг муҳими, Юртбошимиздан озод ва обод Ватан қолди!



**Муҳаммадқодир
Абдуллаев, 2000 йилги
Сидней олимпиадаси
чемпиони:**

— Ислом Каримов билан биринчи марта 1996 йили мустақил Ўзбекистон тарихидаги ilk олимпиада бўлган вақтда Атланта олимпиадаси олдидан учрашганим.

Ўшанда биз юртимизга ёруғ юз билан қайтишимизни айтгандик. Аммо ҳаммамиз ҳам бу ишни уддасидан чиққа олмаганмиз. Шахсан мен биринчи жангдаёқ ютқазиб қўйгандим. Олимпиадани қайтиб келганимиздан кейин Юртбошимиз билан яна учрашдик. Тортиниб, ерга қаралдим. Шунда у киши нафақат мени, балки совриндор бўлмаган барча спортчиларни хижолатдан қутқарадиган гапни айтди: «Сизларнинг чемпиони бўла олмаганингиздан хафа эмасман. Шундай нуфузли мусобақада иштирок этганингизни ўзи катта бахт».

1999 йили АҚШда ўтказилган жаҳон чемпионатидан ўткирбек Ҳайдаров иккаламиз чемпион бўлиб қайтдик. Андижонда ўтказилган тал-

бирда биринчи қаторда ўтиргандик. Ислом Каримов ёнимизга келиб «Булар америкаликларни мағлуб этган чемпионларим», деб бизни бағрига босди. Ҳалигача ўткирбек билан: «Ислом Каримов шунчалик ҳам бақувват инсон бўлган-а, иккаламизнинг даст кўтарворгани-я», деб эслаймиз.

Оралан бир йил ўтиб, нафақат халқимиз, балки Президентимизнинг ҳам олдида юзим ёруғ бўлди. Сидней олимпиадасидан олтин медаль билан қайтдим. Бу мустақил Ўзбекистоннинг олимпиада ўйинлариди илк олтин медали эди. Ўшанда менга Ислом Каримов томонидан кўрсатилган юксак ҳурмат ва эҳтиромни сўз билан таърифлаб бера олмаيمان.



**Меҳриноз Аббосова,
Зулфия номидаги Давлат
мукофоти совриндори:**

— 2011 йил 30 сентябрь. Ҳа, айнан ўша кун Ислам Каримовнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов билан ilk бор юзма-юз кўришиш бахтига муяссар бўлдим. Наманганда янги куриб битказилган Ёшлар марказининг муҳташам залига у киши кириб келган лаҳзада бино ёришиб кетгандай бўлди.

Кечагидек эслаيمان, залдаги ёшлар саккиз нафар эдик. Ҳаммамиз билан қўл бериб кўришгач, ўриндиқ ёнига келиб: «Наманганда

мени соғинган болаларим тик турганда, улар билан ўтириб гаплашаманми», деди. Шундан сўнг ҳар биримиз билан суҳбатлашганилар. Учрашувда иштирок этаётганлар ичида ёши энг кичиги эдим. «Шу қизимнинг кўзи ёниб турибди, қани, айтингчи, ушбу марка сизга ёқадими? Яна қандай шароитлар зарур? Фикрларингизни билдирингчи, қизим», деб саволлар берди. Дилимдагиларни тўлиб-тошиб айтдим. Энг муҳими, юрагимдаги раҳматимни, миннатдорлигимни шахсан ўзларига етказдим. Нутқларидан илҳом олиб ёзган шеъримни ўқиб бердим:

Манзилга элтмайди майда қадимлар,
Майда орзуларга бермайлик қанот.
Майда гап-сузларни қўйинг оламлар,
Токи майдалашиб кетмасин ҳаёт.
Майда дарлардан ҳам асрангил юрак,
Катта шеърятни сол дилстонга.
Катта мақсад, катта қадимлар керак,
Катта йўлга чиққан Ўзбекистонга!

Шеъримнинг инглизча таржимасини ҳам ўқиб берганимдан сўнг, у киши қарсақ чалди ва «Кимдан

фахрланаман, кимлар билан доим мактанаман? Сизлардек қизларим, ўғилларим билан! Ҳаётимдаги энг катта бойлигим, ютуғим — сизларсиз», деган умидбахш сўзларни айтди.

Учрашувдан сўнг ўзимда кучдан ҳам кўра, қудратни ҳис қилдим. Кетма-кет ютуқларга эришишимга ҳам ўша кун билдирилган ишонч сабаб бўлган эди.

2015 йили Намангандаги учрашувда ҳам яна бир бор янги шеърларимдан ўқиб бериш бахти nasib этди.

Бахт ҳақида, бахтлигим ҳақида ўйлаганимда, хаёлимга Ислом Каримов келади. Кучли, билимли, доно ва, албатта, бахтли бўлиш шарт эканини ҳис этаман.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг қарорини эшитиб, бутун Ўзбекистон халқи қатори мен ҳам юрак-юрагимдан қувондим. Бу буюк инсоннинг хотирасини мангуликка муҳрлаш, авлодлардан-авлодларга етказиш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Темур АБЗАМ ёзиб олди.

БУЮКЛАР НОМИ АБАДИЙ ЯШАЙДИ

Халқимиз истиқлол йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислохотларни, эришилган тарихий ютуқларни буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Каримов номи билан боғлайди. Бу фикр шу кунларда Биринчи Президентимиз таваллуд топган сана муносабати билан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирларда бот-бот тилга олинмоқда.

Пастдарғом автомобиль ва йўллар касб-хунар коллежида ўтказилган тадбирда «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари Бош муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Сафар Остонов, Самарқанд давлат чет тиллар институтининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проrektори Хусниддин Норқулов ва бошқалар Ислом Каримов ўзбек халқининг улуг ва ардоқли фарзанди, мамлакатимизнинг энг янги тарихи билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар бевосита у кишининг номи билан боғлиқ эканини алоҳида таъкидлашди. Ўқитувчилар, ўқувчилар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этган тадбир давомида Юртбошимизнинг донишмандлиги, доно сиёсати туйғайли мамлакатимизда миллатлараро дўстлик, тинчлик-тотувлик ҳўкм сураётгани ҳам алоҳида қайд этилди.

— Биринчи Президентимиздан Ўзбекистон фуқароси бўлган ҳар бир инсон миннатдор, — дейди «Намозгоҳ» маҳалласи фаоли Зубайда Холиқназарова. — У киши Ватанимизни мустабид тузум қарамлигини овоз қилиб, ҳалокат ёқасига келиб қолган юртимизни қайта тиклади. Бизга бу инсондан буюк мерос қолди. Ота-оналарнинг энг муҳим вазифаси фарзандларига ана шу меросни чуқур ўргатиш, уларга ватанпарварлик туйғусини синдиришдан иборатдир.

— Биз дунёдаги энг бахтли ёшларимиз, — дейди коллеж ўқувчиси Асадбек Турсунов. — Тенгдошларимиз дунёнинг турли мамлакатларида ўтказилаётган фан олимпиадалари, спорт мусобақаларида голиб бўлишмоқда. Албатта, бу каби ютуқларнинг замирида Ислом Каримовнинг беқиёс ғам-хўриклари мужассам.

Мазкур тумандаги 56-мактабда бўлиб ўтган тадбир ҳам қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

— Бугунги суҳбатлардан англадимки, Биринчи Президентимиз биз ёшларнинг бахту саодати йўлида бутун ҳаётини бағишлаган экан, — дейди 8-синф ўқувчиси Малика Жаҳонгирова. — Мен у кишининг порлоқ хотираси олдида доимо бош эгаман.

Бундай тадбирлар Самарқанд вилоятининг барча туман ва шаҳарларида бўлиб ўтмоқда.

Абдуракул САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади.

ДЕПУТАТЛАРНИНГ ТАКЛИФ ВА ТАШАББУСЛАРИГА

маҳаллий ижро ҳокимияти нега бепарқ муносабатда бўлмоқда?

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисида фуқаролар билан очик мулоқотни йўлга қўйишнинг янги самарали усул ва механизмларини татбиқ қилиш, барча даражадаги ҳокимлар, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларининг аҳоли олдида ҳисобот бериш тизимини жорий этиш кераклигини алоҳида таъкидлади.



Шунга мувофиқ шаҳар ва туманлардаги ҳақиқий аҳвол танқидий-таҳлилий ўрганилади, халқ депутатлари Кенгаши сессияларида тегишли раҳбарларнинг ҳисоботлари муҳокамага қўйилади. Парламент аъзолари иштирокида ҳолис хулоса чиқарилади. Демак, бундан буён сиёсий партиялар, депутатлар зиммасидаги масъулият янада ортади. Чунки ҳудудларни ривожлантириш, ижтимоий масалаларни самарали ҳал этиш бўйича аниқ таклифлар бериш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун сайловчилар билан мунтазам мулоқотда бўлиш, уларнинг истакларини чуқур ўрганиш талаб этилади.

Маҳаллий Кенгаш депутатлари олдида катта вази-фалар қўйилмоқда, — дейди Янгйбозор туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Санъат Абдураимов. — Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида бандлик, аҳоли саломатлиги

билан боғлиқ вазифаларни кечиктирмасдан ҳал қилиш зарурлигини алоҳида қайд этди. Бу бевосита биз, депутатлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Қай бир соҳа бўлмасин, унинг ривожланиши, камчиликларнинг бартараф этилишида депутатлик ва жамоатчилик назоратини янада кучайтириш лозим.

Демак, ўз ишимизни танқидий жиҳатдан қайта кўриб, аниқ мақсадга йўналтирилган режа ишлаб чиқиши керак. Эндиликда сайловчилар билан йилда бир-икки марта эмас, мунтазам учрашиб, уларнинг дардини тинглаш, фикрларига қулоқ тутиш, аҳолини ўйлантираётган ижтимоий-иқтисодий масалаларни таҳлилий ўрганиш талаб этилади.

Ҳар бир депутат теран фикр, кенг дунёқараш, чуқур сиёсий-ҳуқуқий билимга эга бўлиши кераклиги ҳақида кўп гапирамиз. Лекин ўз ваколатларидан самарали

фойдаланишда уларга масъулият ва қатъият ҳам зарурлигини унутмаслигимиз лозим. Ана шунда мутасадди раҳбарларнинг депутатлар муносабатлари ва сўровларига муносабати ўзгаради...

— Электорат ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларининг роли ниҳоятда катта, — дейди Фарғона вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Дилором Назирова. — Аммо негадир партия гуруҳлари сўровларига, йиғилишларига ижро ҳокимияти тизимидаги ташкилотларнинг масъул шахслари эътиборсизлик билан қарамоқда. Депутатлик сўровларига қонунида белгиланган тартибда жавоб берилмапти, гуруҳ йиғилишларида мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг иштироки кузатилмапти. Бизнинг ташкилотлардан кичик мутахассислар юборилади, улар ҳам етарлича ахборот тақдим эта олмайди.

Натижада партия гуруҳлари ўзлари кўтараятган масала юзасидан етарли маълумот ва керакли жавобни олиш борасида муаммага дуч келмоқда.

Шунингдек, ҳудудий дастурлар ижросини сессияларда муҳокама қилиш бўйича партия гуруҳларининг ташаббуслари айрим жойларда бепарқ қолдириляпти. Бу эса партия гуруҳларининг ижтимоий масалаларни ҳал қилишдаги иштироки ва депутатлик назорати кучайишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Демак, аввало, маҳаллий ижро ҳокимияти тузилмалари ва мутасадди раҳбарларнинг депутатлар олдидаги масъулиятини ошириш лозим. Депутатларнинг қонуний сўровларига лоқайд муносабатда бўлган мансабдорларга нисбатан тегишли чоралар кўриш керак, деб ўйлайман.

Яна бир жиҳатга эътибор қаратишимиз мақсадга мувофиқ бўлади. Биз, депутатлар

оммавий ахборот воситаларида эришилаётган ютуқлар ҳақида бандларнинг гапларини гапириндан қочиб, ҳудудлардаги муаммолар, аҳолини ўйлантираётган масалалар ечимига қаратилган чиқишлар қилишимиз керак. Бу орқали тажриба алмашиш, фикрлашиш, мулоҳаза юритиш имкони пайдо бўлади.

— Депутат халқ хизматчиси ҳисобланади, — дейди Тошкент вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Музаффар Саидқаримов. — У сайловчилар номидан уларни ўйлантираётган масалаларни, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига тўсиқ бўлаётган муаммоларни муҳокамага қўяди, таклифларни илгари суради.

Аммо тан олиш керакки, бу ишларни амалга оширишда қатор сусткашликларга йўл қўйилмоқда. Сўнгги вақтларда одатта айланиб қолган бир ҳолатни айтиб ўтмоқчиман. Кўп ҳолларда депутатликка номзод кўрсатишда унинг обрўси, машхурлиги ёки раҳбарлик лавозимида ишлашига қаралади. Сайловдан кейин номзоднинг халқ билан мулоқот қилишга вақти, имконияти ёхуд хоҳиши борми, деган савол охириги ўринга тушиб қолади.

Бугун шиддат билан ўзгараётган замон ҳар биримиздан ўз ишимизга, жамоатчилик вазифаларига, бир сўз билан айтганда, ҳаёта бўлган муносабатимизни танқидий кўриб чиқишни талаб этмоқда. Ушанда депутат ва ижро ҳокимияти ўртасида бўшлиқ эмас, балки мустаҳкам кўприк ўрна-тилади.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти

Жиззах шаҳридаги 1-сон мусиқа ва санъат мактабида «Ўзбекистон ХДПнинг энг фаол аёли» кўрик-танловининг Жиззах вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда туман ва шаҳар босқичида голиб бўлган хотин-қизлар 3 шарт бўйича ўз билимларини синовдан ўтказишди.

ЗУККО ОПА-СИНГИЛЛАР



Айтиш жоизки, танлов хотин-қизлар ҳаёти ва фаолиятида ўзига хос аҳамият касб этади. Чунки улар беллашувга тайёрлик жараёнида кўплаб адабиётларни ўқиб, ўрганишди, сиёсий-ҳуқуқий маданиятини оширишди.

Хусусан, «Лойиҳа тақдими» шартлида иштирокчилар хотин-қизлар учун барқарор иш ўринлари яратиш, турмуш фаровонлигини ошириш, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда аёлларимизнинг иштирокчини кенгайтиришга доир янги гоялари билан қатнашишди. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга йўналтирилган истиқболли лойиҳалар ҳакамлар ҳайъати томонидан алоҳида эътироф этилди.

«Қонуларимиз ҳаётидаги — асоси» шартлида партияимиз электорати манфаатларига алоқадор қонуларнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти шарҳланди. «Сиёсий ҳозиржавоблик» шартли танловнинг якуний натижасини аниқлашга кўмак берди. Бир-биридан зуқко иштирокчиларнинг чиқишларини баҳолашда саҳна маданияти, аудитория билан ишлаш маҳоратига алоҳида эътибор қаратилди.

Якуний натижаларга кўра, биринчи ўрин мизачўлик Хуршида Шербековага насиб этди. Иккинчи ўринни гафларолик Дилафруз Шобутаева қўлга киритган бўлса, кучли ушликни Пахтакор туманидан Наргиза Пулатова тўлдирди. Барча иштирокчиларга диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Жамила ЁДГОРОВА, ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши сектор мудири.

«Ўзбекистон ХДПнинг энг фаол аёли» кўрик-танловида

ҲАЁТИЙ ЛОЙИҲАЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиалида «Ўзбекистон ХДПнинг энг фаол аёли» кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республика босқичи бўлиб ўтди.

Танловни ЎзХДП Қорақалпоғистон Республика кенгаши раиси Халилла Ешимбетов очди ва барча иштирокчиларга омад тилади.

Ҳакамлар ҳайъати аъзолари таништирилган, иштирокчилар дастлабки шарт бўйича ўз лойиҳаларини тақдим этишди. Лойиҳаларни тайёрлашда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатидан келиб чиқиб, хотин-қизларга доимий иш ўрни яратиш масаласи эътиборга олинган.

Иштирокчилар тақдим этган лойиҳалар аҳоли бандлигини таъминлаш, ишлаб чиқаришни



ривожлантириш ва хизмат кўрсатиш сифатини оширишга йўналтирилган янги гояларни ўзида мужассам этгани билан олқишга сазовор бўлди.

Иштирокчиларнинг бири тикиш цехи очмоқчи бўлса, яна бири кўп тармоқли консалтатив марказ ташкил қилмоқчи. Хуллас, ҳар бир лойиҳада ижтимоий муҳофаза, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш масалалари, энг асосийси, партия электорати манфаатлари мужассам.

— Бизнинг чўл ҳудудларда экан (тростник, жеке) ўсимлиги ўсади. Унинг қуритилган барглари билан ҳар хил дизайн расмлар (апликация) ясаш мумкин. Бундай буюмларни сайёҳларга сотиб, даромад олиш имкони бор, — дейди шуманайлик иштирокчи Замира Алланиёзова.

Мазкур кўрик-танлов Ўзбекистон ХДП Ҳаракат дастурида белгиланган вазифаларни амалга

— Бизнинг чўл ҳудудларда экан (тростник, жеке) ўсимлиги ўсади. Унинг қуритилган барглари билан ҳар хил дизайн расмлар (апликация) ясаш мумкин. Бундай буюмларни сайёҳларга сотиб, даромад олиш имкони бор, — дейди шуманайлик иштирокчи Замира Алланиёзова.

Мазкур кўрик-танлов Ўзбекистон ХДП Ҳаракат дастурида белгиланган вазифаларни амалга

— Бизнинг чўл ҳудудларда экан (тростник, жеке) ўсимлиги ўсади. Унинг қуритилган барглари билан ҳар хил дизайн расмлар (апликация) ясаш мумкин. Бундай буюмларни сайёҳларга сотиб, даромад олиш имкони бор, — дейди шуманайлик иштирокчи Замира Алланиёзова.

сафидаги хотин-қизлар салоҳиятидан самарали фойдаланиш, юксак сиёсий билим ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган фаолларни аниқлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси бўйича Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоларининг 13 мингдан зиёдини, яъни 40 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Шунингдек,

Танлов иштирокчилари «Қонуларимиз — ҳаётидаги асоси», «Сиёсий ҳозиржавоблик» шартлари бўйича ҳам ўз билимларини синаб кўришди.

— Хотин-қизлар демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёндарининг фаол иштирокчилари ҳисобланади, — дейди ҳайъат аъзоси Жамила Уббинёева. — Бугунги танловда ҳам улар интеллектуал қобилияти юқори эканини кўрсата олди.

Танловнинг якуний натижаларига кўра, шуманайлик Замира Алланиёзова голибликни қўлга киритиб, танловнинг республика босқичида иштирок этиш учун йўланма олди. Голиблар ва турли номинациялар бўйича энг яхши деб топилган иштирокчилар Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг махсус дипломи ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Маҳаллий ижро ҳокимияти тузилмалари ва мутасадди раҳбарларининг депутатлар олдидаги масъулиятини ошириш лозим.

«Илм талаб қилиш қандай фарз бўлса, касб талаб қилиш ҳам шундай фарздир»

Турмуш обод бўлишининг асосий шартларидан бири ҳалол касб билан шуғулланишдир. Барчамизга яхши маълумки, Ислон дини дангасалик, танбаллик ва боқимандаликни қоралайди. Турли-туман қонуна тақиқланган, шаръан эса ҳаром қилинган эгри йўллар билан дунё орттиришдан қайтаради. Ҳалол меҳнат қилишга тарғиб этади. Динимиз таълимотлари кишиларни ўз шахсига, оиласига, атроф-муҳитга ва қолаверса, жамиятга манфаатлар етказадиган зироат, тижорат, саноат ва бошқа хил фойдали касб ва машғулотлар билан шуғулланишга, ерга ишлов бериб, обод қилишга, саноат, ижодкорлик, фан ва техника соҳасида пешқадам бўлишга ундайди. Ҳатто ҳалол иш билан шуғулланишни фарз даражасига кўтаради. Ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи вассаллам: «Касб-кор эгаллаш ҳар бир мусулмонга фарздир», дейилган (Табароний ривояти).



Ушб сураги.

«Касб талаб қилиш фарз намозидан кейин (турувчи фарз)» деганлар. Китоб муаллифи Абдуллоҳ ибн Маҳмуд Мувилий давом этади: «Чунки фарзни қоим қилиш учун ҳам касбу кор лозим. Танда қувват бўлмаса, инсон ибодат қила олмайди. Балан қуввати эса одатан ва хилқатан озуқа билан ҳосил бўлади. Озуқа топиш учун эса касб-хунар лозим. Манбаларда келтирилишича пайғамбарлар ҳам яшаш учун турли касб-хунар билан шуғулланишган, меҳнат қилишган. Жумладан, Одам (алайҳиссалом) буғдой экиб, уни сугориб, ўриб олиб, тўйиб, хамир қилиб, кейин нон пишириб

еганлар. Нуҳ (алайҳиссалом) дурадгорлик қилганлар. Иброҳим (алайҳиссалом) эса базоз (газмол сотувчи) бўлганлар. Довуд (алайҳиссалом) совут ясаганлар. Сулаймон пайғамбар хурмо дарахти барглари билан саватлар тўқиганлар. Закариё (алайҳиссалом) ҳам дурадгор бўлганлар. Набийимиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи вассаллам) эса қўй боққанлар. Уларнинг барчалари ўз касблари ва меҳнатлари билан рўзгор тебратишган. Хуллас, ҳалол касб билан тирикчилик ўтказиш, рўзгор тебратиш инсоният фитратига нарсадир. Уламолар тирикчилик ва касб-хунар қилиш орқали мол топишни бир неча даража ва мартабаларга

бўлганлар. Биринчиси, фарз даража бўлиб, бу — кишининг ўзи ва оиласининг зарурий эҳтиёжларини қондириш ҳамда қарзларини ўзишга етадиган миқдорда ишлаб, пул топишидир. Иккинчиси, мустаҳаб даража бўлиб, бу — фақирларга ёрдам қилини чўзиш, дўст-ёр ва яқинларига муруват кўрсатиш учун кифоя қиларли даражадан ортиқроқ мол-дунё орттиришга ҳаракат қилишдир. Уламоларимиз айтишларича, бундай касб билан машғул бўлиш, яъни юқорида айтилган эзгу ишларни ният қилган ҳолда зарурдан ортиқча мол-дунё орттириш учун ҳаракат қилиш ўзини буткул нафл ибодатларга бағишлашдан ҳам

кўра афзал ҳисобланади. Зеро, нафл ибодатларнинг фойдаси ибодат қилувчининг ўзигагина дахлдор бўлса, бадавлат кишининг касбидан етадиган манфаат ҳам унинг ўзига, ҳам бошқаларга етади. Фикримизнинг исботи сифатида қуйидаги ҳадисларни эслаш кифоя. Набий (соллаллоҳу алайҳи вассаллам) марҳамат қилганлар:

«Одамларнинг яхшиси одамларга манфаати етадиган инсондир!»; «Ибодатлар бир-бирларига фахрланиши. Шунда хайр-садақа: «Мен ибодатларнинг энг афзалиман», деди».

Кейингиси мубоҳ даражадаги касб-кор. Бу фароғатли ҳаёт кечирish учун бундан-да зиёда мол орттирмақ. Бу ҳам агар ҳалолдан бўлса жоиздир. Набий (соллаллоҳу алайҳи вассаллам):

«Яхши мол-дунё яхши инсонга қандай ҳам ярашади!» дея марҳамат қилганлар (Бухорий, Аҳмад ва Ибн Қиббон ривояти).

Бошқа бир ҳадисларида эса: «Ким одамларнинг қўлига қарам бўлмаслик учун ва иффатини сақлаш учун ҳалол мол-дунё талаб қилса, юзи тўлин ой кечасидаги ой каби (порлаган ҳолда) бўлиб, Аллоҳга йўлиқадим», деб марҳамат қилдилар (Имом Сараҳсийнинг «ал-Мабсут» китобида келтирилган).

Охириги, макруҳ даража бўлиб, бу манманлик, кеккайиш ва кибру ҳаво учун мол-мулк кўпайтиришдан иборатдир, гарчи ҳалолдан бўлса ҳам. Набий (соллаллоҳу алайҳи вассаллам) дедилар: «Ким мол дунёни мақтанish ва бошқалардан кўпчилиги билан фахрланиш учун талаб қилса, Аллоҳ талони ўзига ғазаб қилган ҳолда учратади!»

Раҳматуллоҳ САЙФУДИНОВ,
Тошкент ислом институти ўқитувчиси.

Кўрик-танлов

Олий Мажлис Сенати, Қонунчилик палатаси ҳамда Адлия вазирлиги томонидан жамиятда ҳуқуқий тарғиботни кучайтириш бўйича белгиланган комплекс чора-тадбирлар режаси ҳамда тегишли идоралараро кенгашининг қарори асосида Олий суд томонидан «Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари — журналист нигоҳида» кўрик-танлови эълон қилинган эди.

Ғолиблар тақдирланди

Куни кеча танлов ғолиблари тақдирланди. Айтиш керакки, мазкур кўрик-танлов судлар фаолиятининг очиқлиги ҳамда шаффофлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларида суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни, қабул қилинган қонун ҳужжатларини кенг тарғиб қилиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Танлов низомига мувофиқ, ҳакамлар ҳайъати томонидан ижодий ишлар танланган мавзуга тааллуқлиги, маҳорат билан баён этилганлиги, аниқ ва ишончли далиллар билан очиб берилганлиги, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар ёритилганлиги, материалларда таҳлил, таққослаш ва хулосаларнинг мавжудлиги каби талаблар асосида баҳоланди. Шу асосда «Энг яхши мақола», «Энг яхши телекўрсатув», «Энг яхши радиоэшиттириш», «Энг яхши интернет материал» номинациялари бўйича ғолиблар аниқланиб, маҳсул диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Қарор ва ижро

МУЛКИНГИЗ ХАТЛОВДАН ЎТКАЗИЛГАНМИ?

Нозимжон ва Нодирахонларнинг яқинда тўйи бўлди. Нозимжоннинг отаси қишлоқ четидида қурилган янги уйи ёшларга тўхфа этди. Бир мунча вақт ўтиб, уй-жойга эгалик қилиш ҳуқуқи бўлса-да, унинг кадастр ҳужжати мавжуд эмаслиги боис ёш оила хавотирда қолди. Ахир шунча меҳнат ва маблағ сарфлаб тикланган уй-жой рўхсатсиз ерга қурилган бўлса, нима бўлади?

Кундалик ҳаётда бундай ҳолатларга тез-тез дуч келишимиз. Ёки айрим турар жойлар авлоддан-авлодга мерос қолиб, оилалар узоқ йилдан буён ашайди. Лекин уларда ер участкасига, бино-иншоотга бўлган ҳуқуқий ҳужжат йўқ. — Ер участкалари, уй-жойлар, бино ва иншоотлар, кўп йиллик дарахтзорлар кўчмас мулк ҳисобланади, — дейди **Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси бўлими бошлиғи Дилором Ризаева.** — Шу боис кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқи, унинг бошқа шахсга ўтиши, чекланиши ва бекор бўлиши билан боғлиқ битимлар давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Шунда фуқаро ёки юридик шахсда уларга бўлган мулк ҳуқуқи вужудга келади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 3 августдаги «2016-2017 йиллар даврида жисмоний ва юридик шахсларга

тегишли бўлган кўчмас мулк объектларини ялпи хатловдан ўтказиш тўғрисида»ги қарори бу борада дастуриламал бўлаётди. Мазкур муҳим тадбирни амалга оширишга «Ер-геодезикадастр» давлат қўмитаси тизимидаги 3,5 мингга яқин ходим жалб этилган. Айтилган вақтда вилоят, шаҳар ва туманлар ҳудудида жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулк объектларини ялпи хатловдан ўтказиш ишларини туман, шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари, ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат қорхонаси, архитектура ва қурилиш бўлими, давлат солиқ инспекцияси, ички ишлар бўлими ва тегишли шаҳар, шаҳарча, қишлоқ фуқаролар йиғини вакиллари билан иборат ишчи гуруҳи бажармоқда.

Хатлов тартибига кўра, ишчи гуруҳ аъзолари фуқаро хонадонига бориб, аввало, уй-жой бериш ҳақидаги маҳаллий ҳокимият қарорини, ер-мулк солиқлари тўловини, қурилган бино ва иншоотлар ҳақидаги маълумотни аниқлайди, умумлаштиради ва тегишли тартибда мулкка эгалиги тасдиқланган ҳужжатлар йиғма жилдини шакллантиради. Шу тарафда аҳоли яшаб турган уй-жойларнинг мустаҳкам электрон базаси яратилади. Бу уй-жой, мерос ҳуқуқи, солиқ тўловлари каби мол-мулк билан боғлиқ тушунмовчилик ва муаммоларни бартараф этишда муҳим аҳамиятга эга. Хатлов кўчмас мулк объектлари, уларнинг миқдори, сифати ҳамда ҳуқуқий ҳолати тўғрисида ахборот олиш учун амалга ошириладиган кадастр чора-тадбирлар мажмуаси ҳисобланади. Кўчмас мулк объектларининг электрон маълумотлар базасида аниқ ҳисобга олиниши, мол-мулк ва ер солиғини ҳисоблаш учун солиққа тортиш объектларини тўлиқ рўйхатга олиниши таъминлайди. Хатловни ўтказишдан мақсад ер участкалари, бинолар, иншоотлар ва кўп йиллик дарахтзорларнинг эгаларини, улардан фойдаланувчиларни, ижарачиларни ҳамда улар эгаллаб турган ер участкалари

майdonларини, бино ва иншоотларнинг ҳажмини, дарахтларнинг тури, сонини аниқлашдан иборат. Маълумотларни йиғиш, ишлов бериш механизмининг стандартлаши ҳисобга олиш ва кадастр ахборот тизимини яратиш, давлат ҳокимияти органларини кўчмас мулк объектлари тўғрисидаги ишончли, тўлиқ ахборот билан таъминлаш ҳам ялпи хатловнинг асосий вазифасига қиради. Бунда мутахассислар ҳар бир уй-жой, томорқа ерларини ўлчаб, ўлчов ишлари амалга оширилганлиги тўғрисида далолатномалар тузади. Ўлчов маълумотлари умумлаштирилиб, комиссияга тақдим этилади. Комиссия натижаларини ишчи гуруҳ пухта таҳлил қилади ва ер участкаларига ҳуқуқларни белгилаш, ўзбошимчилик билан қурилган бино ва иншоотларни бузиш ёки уларни мулк ҳуқуқи билан сақлаб қолиш, ер участкаларини қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрлар билан мувофиқлаштириш масалаларини ҳал қилиш бўйича тақлифлар тайёрлайди. Ишчи гуруҳ хатлов жараёнида кўчмас мулк объектларини текшириш, ер участкасини суратга олиш, бино ва иншоотларнинг ташқи ва ички ўлчамларини ўлчаш, кўп йиллик дарахтларнинг турини ва

сонини ҳисобга олиш ҳуқуқига эга. Бунда кўчмас мулк объектнинг жойлашган жойи, умумий майдони, мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар, кўшимча ёки ўзбошимчилик билан қурилган иморатлар, дарахтларнинг сони ва тури, ер участкасининг, бино ва иншоотнинг фойдаланиш мақсади — амалдаги фойдаланилиши бўйича ҳужжатлар назорат қилинади. Жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулк объектларини ялпи хатловдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомига кўра, хатлов оиланинг ҳўжалик юриш шакли (шахсий ёрдамчи ҳўжалик ёки юридик шахс ташкил этган ҳолда ёки ташкил этмасдан тузилган деҳқон ҳўжалиги), деҳқон ҳўжалигига айлантирилган бўлса, деҳқон ҳўжалигининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома берилган реестр рақами ва санаси бўйича амалга оширилади. Шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларга тегишли ер участкаси, бино ва иншоотларга ҳуқуқий ҳўжатлари мавжудлиги туман (шаҳар) ҳокимиятининг қурилиш ишлари олий бориш учун ер участкаси ажратилиши тўғрисидаги, қурилиш тугалланган уй-жой, бино ва иншоотларни комиссиянинг фойдаланишига қабул

қилиш тўғрисидаги далолатномасини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорлари, эгалик ҳуқуқини тиклаш ҳақидаги суд органларининг қарори каби ҳўжатларга эътибор қаратилмоқда.

Агар мазкур ҳўжатлар мавжуд бўлмаса ёки сақлаб қолинмаган бўлса, унда бу масалани ҳокимият қошида ташкил этилган махсус комиссия кўриб чиқади. Жисмоний ва юридик шахсларнинг ер участкаларига ҳуқуқларини белгилаш бўйича тақлифларни тайёрлаш, уларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш жойлардаги ҳокимиятлар ҳузурида ташкил этилган комиссияларга юкланган.

Шу кунларда хатлов маҳаллалар кесимида олиб боришмоқда. Унинг натижаларига кўра, 2 миллион 655 мингдан зиёд кўчмас мулк объект электрон маълумотлар базасига киритилди. Ўзбекистон Давлат солиқ қўмитасига кўчмас мулк объектлари тўғрисидаги маълумотлар тақдим қилинди.

Жойларда яратилган кўчмас мулк объектлари тўғрисидаги ишончли маълумотлар базаси маҳаллий бюджетнинг солиқ тушумларини кўпайтиришга хизмат қилади. Шунингдек, аҳолининг ер участкасига, бино-иншоотга бўлган ҳуқуқи мустаҳкамланади. Зеро, Бош қўмусимизнинг 53-моддаси ва «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддасида ҳусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида экани қайд этилган.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА муҳбири.

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV	Muslihidin MUHIDDINOV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Ochilboy RAMATOV	Tat'yana KISTANOVA
Rustam KAMILOV	Saidahmad RAHIMOV	

Saidkamol XODJAYEV

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yl 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Sharh nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonada manzilli: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 138
17031
nuxxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 23:50
Topshirilgan vaqti — 02:20

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Bardambek SA'DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7133

1 2 3 4 5 6